

№06-21/1-998  
04.04.2023й.



**Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлис  
БАЁНИ 12**

2023 йил “ 3 ” апрель

Вазирлар Маҳкамаси

**Раислик қилувчи:** З.Махкамова – Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг ўринбосари

**Иштирок этганлар:** тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари  
(рўйхат асосида)

**КУН ТАРТИБИ**

**Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”га  
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида**

*(Махкамова, Нуридинов, Умарова, Абдурахмонов, Махкамова)*

Миллий санъатимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой мероси, бугунги салоҳияти ва ривожланишини тарғиб этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3219-сон, “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ–4688-сон қарорлари ижроси юзасидан Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”ни (кейинги ўринларда-Фестиваль) ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, мажлис қарор қилади:

1. Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуридиновнинг Фестивални ўтказиш борасида амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин ва Фестивални жорий йилнинг 17-21 апрель кунлари республикамиз бўйлаб юқори даражада ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳининг таркиби 1-иловага;

Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”нинг дастури 2-иловага;

Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”нинг чоратадбирлари режаси 3-иловага;

Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”нинг медиа-режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### **3. Ўзбекистон Бадий академиясига (Нуридинов):**

Фестивалнинг юқори ташкилий ва ижодий савияда ўтказилишини мувофиқлаштириш;

Фестивалга ташриф буюрадиган чет эллик меҳмонлар ва иштирокчилар учун меҳмонхоналарни олдиндан брон қилиш;

чет элдан ташриф буюраётган меҳмонлар учун транспорт, меҳмонхона ва овқатланиш харажатлари учун олдиндан шартномалар тузиш;

Тошкент шаҳрида Фестиваль дастури доирасида тадбирларни ўтказиш жараёнида барча шарт-шароитлар яратиш вазифалари юклатилсин.

Тошкент шаҳрида Бадий академиянинг Фестиваль асосий тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари Бадий кўргазмалар дирекциясининг 2023 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

### **4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:**

Ўзбекистон Бадий академияси тақдим этган Фестивалга бағишланган видеороликлар 17-21 апрель кунлари ҳудудлардаги мавжуд ташқи реклама экранларида ижтимоий роликларга тенглаштирилган тартибда намойиш этилишини;

Фестиваль тадбирлари учун жой ажратиш, тадбирлар ўтадиган жойлар атрофларини ободонлаштириш, шарт-шароит яратилишини таъминласин.

Фестиваль доирасида ҳудудларда қуйидаги тадбирлар:

барча иштирокчиларнинг сараланган асарлари асосида кўргазмалар;

ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган турли хил ижодий танловлар;

хорижий ва маҳаллий ижодкорлар ҳамда санъат усталарининг маҳорат дарслари;

пенэрлар, бадий дастур намойишларининг ташкил этилишини;

маҳалла, туман (шаҳар) кесимида маҳалладаги иқтидорли ёшларнинг Фестивалда иштирокини таъминласин;

тадбирларда фаол қатнашган ижодкорларни, айниқса, истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан вилоятларга юбориладиган ижодкорларни меҳмонхонага жойлаштириш ва овқатлантиришни ташкил этсин.

**5. “Хунарманд” уюшмаси** (Абдуллаев) Ўзбекистоннинг етук усталарининг Фестиваль доирасидаги тадбирларда иштирокини таъминласин.

**6. Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши** (Дехқонов)нинг Фестиваль доирасида ўтказиладиган кўргазмалар ва танловлар ғолибларига, энг яхши асар муаллифларига ҳомийлик тарзида эсдалик совғаларини ажратишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган ва хорижий иштирокчиларнинг Тошкент шаҳридаги сайёҳлик учун мўлжалланган масканларда сайрини ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси маъқуллансин.

**7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги** (Умурзаков):

Бадий кўргазмалар дирекцияси ҳамда Марказий универсал магазини оралиғида жойлашган майдонда Фестиваль тадбирларини ўтказишда Ўзбекистон Бадий академиясига амалий ёрдам кўрсатсин;

ҳомийлик тарзида Бадий кўргазмалар дирекциясига Фестивални ўтказиш даври учун вақтинча 6 дона биотуалет ажратишни назоратда тутсин.

**8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** (Умарова), **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** (Абдурахмонов) Фестиваль доирасида республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларга таълим муассасалари талаба-ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларида ихтиёрий равишда ташрифини ташкил этиш чораларини кўрсин.

**9. Ташқи ишлар вазирлиги** (Саидов):

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва хорижий мамлакатларнинг Тошкентдаги миссиялари орқали хорижий ижодкорларга Фестиваль ҳақидаги маълумотлар етказилишини;

Ўзбекистон Бадий академиясининг виза талабномаларига биноан халқаро тадбирнинг хорижий иштирокчиларига кириш визаларини белгиланган тартибда консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирилмасдан, зарур ҳолларда И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида расмийлаштирсин;

Фестиваль иштирокчиларининг соврин ва сертификатлари белгиланган тартибда етказиб берилиши ва уларни тантанали равишда ўз эгаларига (Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари фаолият юритадиган шаҳарларда ёки Ўзбекистонда фаолият юритадиган дипломатик ваколатхоналар орқали) топширилишини таъминласин.

**10. Божхона қўмитаси** (Мавлонов) Фестиваль иштирокчилари томонидан божхона ҳудудига вақтинча олиб кириладиган ва ушбу ҳудуддан қайтариб олиб чиқиладиган маданий бойликларнинг божхона расмийлаштирувини ўрнатилган тартибда амалга оширсин.

**11. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки** (Мирсоатов) Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясининг залида Фестиваль дастурига мувофиқ ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо мамлакатлар (Озарбайжон, Туркия, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон) рассомларининг халқаро “Турк дунёси

рассомларининг учрашуви” ижодий кўргазмасини тўловларсиз ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**12. Самарқанд вилояти ҳокимлиги** (Турдимов) Фестиваль доирасида ташкил этилаётган халқаро “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” ижодий кўргазмаси иштирокчиларини Самарқанд шаҳрига ташрифи давомида автобус билан таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўрсин ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан тушлик ташкил этсин.

**13. “Uzbekistan Airports” АЖ** (Джураева) Фестиваль доирасида ташриф буюрадиган хорижий меҳмонларга И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортининг “ВИП” залида белгиланган тартибда хизмат кўрсатилишини таъминласин.

**14. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ** (Хасилов) Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдим қилинган рўйхат асосида Фестиваль иштирокчиларига “Тошкент-Самарқанд-Тошкент” йўналиши бўйлаб “Афросиёб” тезюар поездига ўрнатилган тартибда чипталар ажратсин.

**15. Маданий мерос агентлиги** (Абдукаримов) Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги музейларга Фестиваль дастурига мувофиқ Фестиваль иштирокчиларининг ташрифи тўловларсиз ташкил этилишини таъминласин.

**16. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (Кўлдошев) тадбир ўтказиладиган объектлар ҳамда уларнинг атрофида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

**17. “Тасвирий ойна” уюшмаси** (Латипов)нинг Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдим қилинган дизайн асосида босма маҳсулотларни (баннер, диплом, сертификат) ҳомийлик тарзида нашр этиш ҳамда Фестивалнинг голиб ва совриндорларига совға ажратиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

**18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (Иноятов) Фестиваль дастурига мувофиқ тадбирлар ўтадиган жойларда ва қатнашчилар жойлашадиган меҳмонхоналарда тез тиббий ёрдам бригадалари навбатчилигини ташкил этсин.

**19. Миллий гвардия** (Джураев) **Ички ишлар вазирлиги** (Бобожонов) билан ҳамкорликда Фестиваль тадбирлари ўтказиладиган, меҳмонлар жойлашадиган, овқатланадиган, ташриф буюрадиган жойлар ва уларнинг атроф ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш чоралари қўрилишини, уларнинг йўл-патруль хизмати автомашиналари ёрдамида кузатиб борилишини таъминласин.

**20. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** (Хаджаев), **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги** (Кўчимов), **“Дунё” ахборот агентлиги** (Суяров), **Ўзбекистон Миллий медиа ассоциациясига** (Қудратхўжа) Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни ташкил этиш тавсия қилинсин.

**21. Мазкур мажлис баёнининг ижросини назорат қилиш** Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуридинов зиммасига юклансин.

**Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”га тайёргарлик  
кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳининг  
ТАРКИБИ**

1. А.Нуридинов - Ўзбекистон Бадий академияси раиси,  
*Ишчи гуруҳ раҳбари*
2. А.Саъдуллаев - Ёшлар ишлари агентлиги директори
3. И. Абдурахмонов - олий таълим, фан ва инновациялар вазири
4. Ҳ.Умарова - мактабгача ва мактаб таълими вазири
5. Б.Саидов - ташқи ишлар вазири
6. А.Иноятов - соғлиқни сақлаш вазири
7. П.Бобожонов - ички ишлар вазири
8. А.Қўлдошев - фавкулудда вазиятлар вазири
9. А.Мавлонов - Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона  
қўмитаси раиси
10. И.Ибрагимов - Миллий гвардия қўмондонининг биринчи ўринбосари
11. Ш.Умурзаков - Тошкент шаҳар ҳокими
12. Ш.Дехқонов - Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба  
уюшмаси Республика кенгаши раиси
13. Х.Хасилов - “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси в.б.
14. А.Хаджаев - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
15. А.Кўчимов - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори
16. С.Суяров - “Дунё” ахборот агентлиги директори
17. Ш.Қудратхўжа - Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси бошқаруви  
раиси
18. А.Мирсоатов - Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарув раиси
19. И.Латипов - “Тасвирий ойина” уюшмаси раиси
20. У.Абдуллаев - “Хунарманд” уюшмаси раиси
21. О.Рўзиев - Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат  
фестивали” директори, *Ишчи гуруҳ масъул котиби*

**Изоҳ.** *Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юклатилган шахслар киритилади.*

**Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”  
ДАСТУРИ**

(2023 йил 17-21 апрель, Тошкент шаҳри)

Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”нинг иштирокчилари ва меҳмонлари 17 апрелга қадар Тошкент шаҳрига етиб келадилар.

Меҳмонлар «Level Hotel» меҳмонхонасига жойлаштирилади (*нонушта меҳмонхонада, тушилик ва кечки овқат “Сой” ресторанида ташкил этилади*).

Масъул: А.Нуридинов - Ўзбекистон Бадий академияси раиси  
О.Рўзиев - Бадий кўргазмалар дирекцияси директори, Фестиваль директори

Тошкент шаҳрида Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига хизмат кўрсатиш учун қуйидаги автотранспорт воситалари ажратилади:

автобус «Мерседес Бенц» - 2 дона.

Масъул. Ф.Ташмухамедов - Ўзбекистон Бадий академияси раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари ташриф буюрадиган ва тадбир ўтадиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ҳамда автотранспорт ҳаракатланиши хавфсизлигини таъминлайди.

Масъул: Б.Абдуллаев - Ички ишлар вазирининг ўринбосари

Фестиваль тадбирлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилади

Масъул: А.Хаджаев - МТРК раиси  
А.Кўчимов - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори  
С.Суяров - “Дунё” ахборот агентлиги директори  
Қ.Кулдашев - Ўзбекистон Бадий академияси Матбуот котиби

**14-апрель – Жума**

15:00 - Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”нинг матбуот анжумани (*Ўзбекистон Миллий матбуот маркази*)

Масъул: А.Нуридинов  
А.Хаджаев  
А.Кўчимов  
С.Суяров  
Д.Қодирова - “Санъат” журнали бош муҳаррири

**БИРИНЧИ КУН**

**17-апрель – душанба**

**П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби кўни**

10:00 - Камолиддин Беҳзод хайкали пойига гул қўйиш маросими.  
(*Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи боғи ҳудудида*)

- 11:00 - Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”нинг тантанали очилиш маросими (*Марказий кўрғазмалар зали, Бадий кўрғазмалар дирекцияси ҳамда Марказий универсал магазини оралигида жойлашган майдон*)
- 12:00 - Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб интернати. Оркестр-ансамбль ва доирачилар жамоаси (*гуруҳ раҳбари – Аҳрор Элиев*)

Масъул: А.Нуридинов

- 14:00 - Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Франция ва унинг ўзига хос мероси” фото кўрғазмасининг очилиш маросими (*Ўзбекистон Бадий академияси галереяси*)
- 15:00 - П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби ўқитувчиларидан маҳорат дарслари (*Марказий кўрғазмалар зали*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов

- Ж.Изентаев - Тошкент Фотосуратлар уйи директори  
 А.Бўриев - Ўзбекистон Бадий академиясининг кўчма кўрғазмалар директори  
 У.Ҳакимов - П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби директори

- 17:00 - Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо мамлакатлар (Озарбайжон, Туркия, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон) рассомларининг халқаро “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” ижодий кўрғазмасининг очилиш маросими

Масъул. К.Акилова - Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси директори  
 Ф.Ташмухамедов

## **ИККИНЧИ КУН**

**18-апрель – сешанба**

### **Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти куни**

- 11:00 - ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо мамлакатларининг кўпқиррали ҳамкорликларини ривожлантириш мавзусида давра суҳбати (*Ўзбекистон Бадий академияси Анжуманлар зали*)
- 12:00 - Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг “Нафосат” замонавий ва анъанавий либослар намойиши (*Марказий кўрғазмалар зали*)
- 14:00 - Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангтасвир кафедраси ўқитувчиларининг маҳорат дарслари (*Марказий кўрғазмалар зали*)
- 15:00 - “Камолиддин Беҳзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари танлови ғолибларини тақдирлаш ва иштирокчилар кўрғазмасининг очилиш маросими (*Миниатюра ва амалий санъат*) (*Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов

- С.Рахметов - Ўзбекистон Бадий академияси академиги  
 Ж.Изентаев  
 А.Мирзорохимов - Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори

16:00 - Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангасвир кафедраси кўргазмасининг очилиши (*Иқуа Хирояма номидаги Халқаро маданият карвон саройи*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов  
Ф.Усманов - Иқуа Хирояма номидаги Халқаро маданият карвон саройи директори  
А.Мирзорахимов

17:00 - Саидбек Сабирбаевнинг шахсий кўргазмаси  
(Тошкент Фотосуратлар уйи)

Масъул. Ф.Ташмухамедов  
Ж.Изентаев

### **УЧИНЧИ КУН**

**19-апрель – чоршанба**

#### **Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби кўни**

10:00 - Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби ўқитувчиси кулол Ким Юрий Николаевич кўргазмасининг очилиши (*Тошкент Фотосуратлар уйи*)

10:30 - Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Дизайн - санъат ва фан туташувидаги фаолият сифатида” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияси (*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Анжуманлар зали*)

11:00 - Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаб ўқувчиларининг замонавий ва анъанавий либослар намоиши (*Марказий кўргазмалар зали*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов  
Ж.Изентаев  
М.Салоҳиддинов - Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби директори  
А.Мирзорахимов

11:30 - ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо мамлакатларининг рассомлари кўргазмаси иштирокчисининг ЗХК “Невская палитра” билан ҳамкорликдаги маҳорат дарси

Масъул. К.Акилова  
Ф.Ташмухамедов

12:30 - П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби ўқувчиларининг тарихий либослар намоиши (*Марказий кўргазмалар зали*)

14:00 - “Музей дизайни: амалиёт ва тажриба” мавзусидаги давра суҳбати (*Ўзбекистон Бадий академияси Анжуманлар зали*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов  
У.Ҳақимов - П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби директори  
А.Мирзорахимов



15:00 - Тошкент Архитектура қурилиш институти талабалари кўргазмасининг очилиш маросими (*Иқуа Хирояма номидаги Халқаро маданият қарвон саройи*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов  
Ф.Усманов - Иқуа Хирояма номидаги Халқаро маданият қарвон саройи директори  
З.Бобомуродов Тошкент Архитектура қурилиш институтининг “Тасвирий санъат”  
кафедраси мудири

17:00 - Кинорассом Анастасия Рейимова кўргазмасининг очилиши (*Тошкент Фотосуратлар уйи*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов  
Ж.Изентаев

### **ТЎРТИНЧИ КУН**

**20-апрель – пайшанба**

### **Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси кун**

10:00 - Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг Тошкент шаҳар ва вилоятлар маҳаллаларидан ташриф буюрган меҳмонлар учун концерт дастури (*Марказий кўргазмалар зали*)

11:00 - ЭГО XXIV - “Ёш ижодкорлар: янги тўлқин” илмий-экспериментал конференцияси. Куратор: Акбар Хакимов-Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Бадий академияси академиги, профессор (*Ўзбекистон Бадий академияси Анжуманлар зали*)

14:00 - Интерьер ва ландшафт дизайни бўйича Ўзбекистон Бадий академияси академиги, профессор Марина Бородинанинг маҳорат дарси (*Марказий кўргазмалар зали*)

15:00 - ЗХК “Невская палитра” тақдимоти (*Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси анжуманлар зали*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов  
Ж.Изентаев - Тошкент Фотосуратлар уйи директори  
А.Бўриев - Ўзбекистон Бадий академиясининг кўчма кўргазмалар директори

### **БЕШИНЧИ КУН**

**21-апрель – жума**

### **Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати кун**

11:00 - Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали”нинг ёпилиши ҳамда тақдирлаш маросими (*Марказий кўргазмалар зали*)

Масъул. Ф.Ташмухамедов

**Изоҳ:**

Фестиваль кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача Бадий кўргазмалар дирекциясининг Марказий кўргазмалар зали, Бадий кўргазмалар дирекцияси ҳамда Марказий универсал магазини оралигида жойлашган майдонда ҳамда Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи боғ ҳудуди атрофида куйидаги таълим муассасалари ўқитувчи ва талабаларининг маҳорат дарслари ҳамда ижодий ишлари тақдимоти бўлиб ўтади;

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти;

Тошкент Архитектура қурилиш институти;

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети;

Чирчиқ Давлат педагогика институти;

Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби;

Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби;

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати.

Шунингдек, шаҳар ва вилоятлардаги олий ва ўрта, ихтисослашган ва умумий таълим муассасалари иштирок этадилар.

Халқаро “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” доирасида Ўзбекистон Бадий академияси ва Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий ташкилот ва муассасаларида бир вақтнинг ўзида маҳалла ёшлари иштирокида кўргазмалар, маҳорат дарслари, танловлар ва ижодий учрашувлар ташкил этилади.

*Зарур ҳолларда, Ўзбекистон Бадий академиясига мазкур дастурга ўзгартиришлар киритишига рухсат этилади.*

**Тошкент шаҳридаги кўргазма заллари:**

**Ўзбекистон Бадий академия галереяси** Манзил: С.Азимов, 35.

**Бадий кўргазмалар дирекциясининг Марказий кўргазмалар зали**  
Манзил: Яккасарой тумани, Ш.Рашидов, 40. Телефон: 71 256 51 46

**Тошкент Фотосуратлар уйи**

Манзил: Миробод тумани, Истикбол, 4. Телефон: 71 233 51 67; 71 233 80 51

**Икуа Хирояма номидаги Халқаро маданият карвон саройи**

Манзил: Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб, 37 А. Телефон: 71 256 35 56

**Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи**

Манзил: Яккасарой тумани, Ш.Рашидов, 40. Телефон: 71 256 28 32

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси**

Манзил: Юнусобод тумани, Буюк Турон, 2

**Ўзбекистон Миллий матбуот маркази**

Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16.

Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар
<b>I. Ташкилий масалалар</b>				
1.	Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” ни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ташкилий масалаларни хал қилиш.	1. Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” ни (кейинги ўринларда – Фестиваль) ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан ушбу чора-тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича масъул ижрочиларни белгилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда смета харажатлари масалаларини муҳокама қилиш юзасидан Ташкилий қўмита йиғилишларини ўтказиш.	2023 йил март, апрель	Ўзбекистон Бадий академияси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Сектор раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакили, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Фестиваль ўтказиладиган жойларни тайёрлаш.	1. Фестиваль ўтказиладиган жойларни белгилаш. Бунда тасвирий ва амалий санъат йўналишларининг Хусусиятларини назарда тутган ҳолда жой ажратиш ҳамда Республиканинг 14 та ҳудуди бўйича фестивал иштирокчилари (махалла, вилоят, республика) учун майдонлар ташкил этиш. 2. Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида фестивал ташкил этиладиган жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш. 3. Фестиваль ўтказиладиган ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқларини соз ҳолатга келтириш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, шу жумладан, тунги ёритиш чироклари устунларини тартибга келтириш.	2023 йил февраль-апрель  2023 йил март-апрель  2023 йил март-апрель	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъулулар
3.	Фестивалда хорижий давлатлардан тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича иштирок этиш мақсадида келадиган иштирокчилар учун зарур шарт-шароитларни яратиш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таклиф этиладиган давлатлар ҳамда идоралар рўйхатини тузиш.</li> <li>2. Рўйхатни Ташкилий қўмита йиғилишида муҳокама қилиш ва келишиш.</li> <li>3. Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдим этилган таклифномаларни (инглиз ва рус тилида) дипломатик ваколатхоналар (дипломатик ваколатхоналар фаолият юритадиган шахарлар кесимида) орқали хорижий иштирокчиларга етказиш.</li> <li>4. Ташриф буюрувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларни муносиб кутиб олиш.</li> <li>5. Фестивалда хорижий давлатлардан тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича иштирок этиш мақсадида келадиган иштирокчилар учун божхона постларида қулайликлар яратиш.</li> </ol>	2023 йил март-апрель  Тадбирдан 15 кун олдин  Фестиваль доирасида	Ўзбекистон Бадий академияси,  Ташки ишлар вазирлиги    Ўзбекистон Бадий академияси, Божхона қўмитаси
4.	Фестивалнинг хорижий иштирокчиларини меҳмонхоналар билан таъминлаш.	Тошкент шаҳридаги тадбирларда иштирок этувчи хорижий иштирокчиларни меҳмонхоналарга жойлаштиришни ташкил этиш чораларини кўриш.	2023 йил апрель	Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
5.	Маҳалла, туман(шаҳар) кесимида истеъдодли ёшларнинг фестивалдаги иштирокини таъминлаш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган фестивалнинг асосий тадбирларига маҳаллалардаги истеъдодли ёшлар иштирокини таъминлаш.</li> <li>2. Фестиваль тадбирларида фаол иштирок этган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.</li> </ol>	2023 йил март-апрель	Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Сектор раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалладаги вакили
6.	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга юбориладиган Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларига жойларда шарт-шароитлар яратиш.	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ижодкорларни меҳмонхоналарга жойлаштириш ҳамда овқатлантиришни ташкил этиш.</li> <li>2. Худудий ҳакамлар хайъати таркибига киритиш.</li> <li>3. Ижодкорлар иштирокида ёшлар билан ижодий учрашувлар ва маҳорат дарсларини ўтказиш.</li> </ol>	2023 йил апрель, Фестиваль кунлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар
7.	Фестиваль эсдалик совгалари ва босма махсулотларни тайёрлаш.	Фестивални тарғиб қилувчи эсдалик совгалари, босма махсулотлар (буклет, баннерлар, таклифнома ва бошқалар)ни тайёрлаш.	2023 йил март-апрель	Ўзбекистон Бадий академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
8.	Умумий овқатланиш хизматларининг тўлақонли кўрсатилишини таъминлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фестивал ўтказиладиган жойларда умумий овқатланиш хизматлари кўрсатилишини таъминлаш.	2023 йил Фестиваль кунлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Маҳаллий темир йўл бекаглари ва аэропортларда меҳмонларни муносиб кутиб олиш ва кузатиш.	<p>1. Чет эл давлатларидан ташриф буюрувчи фестивал иштирокчиларини маҳаллий темир йўл бекаглари ва аэропортларда кутиб олиш ҳамда кузатиш бўйича махсус штаблар ташкил қилиш.</p> <p>2. Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдим этилган рўйхат асосида республика ичида ҳаракатланувчи йўловчи поездларига фестивал иштирокчиларининг келиб-кейтиш учун гуруҳдагилар сонидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган тартибда темир йўл чипталари ва имтиёзли авиа чипталар билан таъминлаш.</p>	2023 йил апрель апрель	«Uzbekistan Airports» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Бадий академияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар
10.	Хавфсизликни таъминлаш, тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, ёнгин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чораларини кўриш.	<p>Фестиваль иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, тез тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш, ёнгин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чораларини кўриш.</p>	Фестиваль доирасида	Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>II. Маданий-маърифий тадбирлар</b>				
11.	Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиш.	<p>1. Фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирлар, бадий лойиҳалар, фестивалнинг мақсади ва вазифаларини маҳаллий ва хорижий ОАВда мунтазам ёритиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Фестивални тарғиб этувчи реклама ролигини тайёрлаш, марказий ва барча маҳаллий телеканалларда мунтазам намойиш қилиш.</p>	2023 йил апрель Фестиваль доирасида	Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Миллий медиа ассоциацияси

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Ижро учун масъуллар
12.	Фестиваль иштирокчиларини Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва маърифий ҳаёти билан таништириш.	<p>1. Фестиваль иштирокчилари ҳамда меҳмонларни худуднинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан таништириш мақсадида дастур ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Дастурга киритилган жойларга фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларининг ташифини ташкил этиш.</p> <p><b>Фестиваль доирасида:</b></p> <p>таниқли ва ёш ижодкорлар, ижодий гуруҳлар ва хорижий иштирокчиларнинг ижодий кўргазмалари; республика ва халқаро ҳамда маҳаллий кўргазмалар; “устоз-шогирд” анъаналари асосида Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари ва махсус ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ижодий кўргазмалари;</p> <p>фестиваль иштирокчиларининг сараланган асарлари асосида кўргазмалар;</p> <p>илмий-амалий конференциялар;</p> <p>ёш ижодкорлар ўртасида турли хил ижодий танловлар; хорижий ва маҳаллий ижодкорлар ҳамда санъат усталарининг маҳораг дарслари;</p> <p>пенэрлар, бадий дастур намойишлари;</p> <p>нашр этилган каталоглар, альбомлар ва бадий-илмий адабиётлар тақдироти;</p> <p>фестиваль иштирокчилари ва ижодий танловлар ғолибларини тақдирлаш маросимини ҳамда фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил март-апрель</p> <p>Фестиваль доирасида</p> <p>Фестиваль доирасида</p>	<p>Ўзбекистон Бадий академияси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> <p>Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</p>
13.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўргазма заллари ва галереяларида ижодий лойиҳаларни амалга ошириш.	<p>Фестиваль иштирокчиларининг сараланган асарлари асосида кўргазмалар;</p> <p>илмий-амалий конференциялар;</p> <p>ёш ижодкорлар ўртасида турли хил ижодий танловлар; хорижий ва маҳаллий ижодкорлар ҳамда санъат усталарининг маҳораг дарслари;</p> <p>пенэрлар, бадий дастур намойишлари;</p> <p>нашр этилган каталоглар, альбомлар ва бадий-илмий адабиётлар тақдироти;</p> <p>фестиваль иштирокчилари ва ижодий танловлар ғолибларини тақдирлаш маросимини ҳамда фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил март-апрель</p> <p>Фестиваль доирасида</p> <p>Фестиваль доирасида</p>	<p>Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</p>

Халқаро анъанавий “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” ни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича  
МЕДИА-РЕЖА

Т/р	Тадбирлар номи	Муддати	Ўтказиш жойи	Масъуллар
1.	“Тасвирий ва амалий санъат” фестивалини ташкил қилиш ва ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган матбуот анжумани.	2023 йил, апрель	Ўзбекистон Миллий матбуот маркази	ЎЗА, МТРК, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, худудий телеканаллар, тармоқ ҳамда худудий электрон ва босма ОАВ, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар
2.	“Тасвирий ва амалий санъат фестивали” тадбирларини кенг ёритиш: Фестиваль доирасида ташкил қилинадиган ижодий кўرғазмалар; Устоз-мураббий расом, усталар томонидан ўтказиладиган маҳорат дарслари; илмий-амалий конференциялар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид қарорларида белгиланган тегишли вазифалар ижросини таъминлаш, тасвирий ва амалий санъат, дизайн йўналишини ривожлантириш, расом, усталар ижодини қўллаб-қувватлаш борасида олиб бориладиган фаолият мазмун-моҳияти; фестиваль иши тўғрисида фестиваль мутасаддилари, маҳаллий иштирокчи расом-усталар, ёш ижодкорлар, ижодий гуруҳларнинг оммавий ахборот воситаларига интервьюларини ташкил этиш.	Фестиваль давомида	Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Бадий академияси кўрғазма заллари ва республика бўйлаб	ЎА, МТРК, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, худудий телеканаллар, тармоқ ҳамда худудий электрон ва босма ОАВ, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар

3.	<p>“Тасвирий ва амалий санъат фестивали” да хорижий меҳмонлар ва иштирокчиларнинг маҳаллий оммавий ахборот воситаларига интервьюларини уюштириш, фикр-мулохазаларини ёритиб бориш.</p>	Фестиваль давомида	Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Бадий академияси кўرғазма заллари ва республика бўйлаб	<p>ЎЗА, МТРК, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, худудий телеканаллар, тармоқ ҳамда худудий электрон ва босма ОАВ, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар</p>
4.	<p>Фестивалга аккредитациядан ўтган хорижий ОАВларни таклиф этиш ва уларни ахборот материаллари билан таъминлаш.</p>	Фестиваль давомида	Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Бадий академияси кўрғазма заллари ва республика бўйлаб	<p>Аккредитациядан ўтган хорижий ОАВлари</p>